

# Перименопауза даврида аёлларда эндометриозни даволашни оптималлаштириш

Д.И.Очилова  
З.Мухторова

Самарқанд давлат тиббёт университети

**Аннотация:** Перименопауза аёл хаётининг 1/3 қисмига тўғри келади, ва бу ўз навбатида муаммонинг тиббий ва ижтимоий аҳамиятини яққол намоён этади. Шунинг учун ёшга боғлиқ эстроген етишмовчилиги патогенетик сабаб бўлган касалликларнинг олдини олиш ва даволашни янада ривожлантириш муҳим тиббий ва ижтимоий аҳамиятга эгадир.

**Калит сўзлар:** экстрагенитал эндометриоз, перименопауза, аденоимиёз

## Optimizing the treatment of endometriosis in perimenopausal women

D.I.Ochilova  
Z.Mukhtorova  
Samarkand State Medical University

**Abstract:** Perimenopause corresponds to 1/3 of a woman's life, and this, in turn, clearly shows the medical and social importance of the problem. Therefore, further development of prevention and treatment of diseases caused by age-related estrogen deficiency is of great medical and social importance.

**Keywords:** extragenital endometriosis, perimenopause, adenomyosis

*Кириши.* Ҳозирги вактда эндометриоз замонавий гинекологиянинг ҳал қилинмаган муаммоларидан бири бўлиб, аёллар саломатлигига катта зарар етказмоқда. Эндометриознинг частотаси, агар аденоимиёз ва ташқи жинсий аъзолар эндометриозининг ягона статистикасини олсак, турли муаллифларнинг фикрига кўра 1-59% гача ўзгариб туради [1,2]. В.Я.Наумова ва унинг ҳаммуаллифлари фикрига кўра, гинекологик касалланиш таркибидаги эндометриоз камида 11,6% ни ташкил қиласди ва генитал эндометриоз (48,5%) таркибида етакчи ҳисобланади. Л.В. Адамян ва унинг ҳаммуаллифларининг фикрига кўра (2016), бачадонга турли даражадаги зарар етказадиган эндометриоз жинсий ва экстрагенитал эндометриоз ҳолатларининг 70-90% дан ортигини ташкил қиласди [2].


Перименопауза аёл ҳаётининг 1/3 қисмига тўғри келади, ва бу ўз навбатида муаммонинг тиббий ва ижтимоий аҳамиятини яққол намоён этади. Шунинг учун ёшга боғлиқ эстроген етишмовчилиги патогенетик сабаб бўлган касалликларнинг олдини олиш ва даволашни янада ривожлантириш муҳим тиббий ва ижтимоий аҳамиятга эгадир[5].

Менопауза бошланиши билан эндометриоз тухумдонларнинг гормонал функциясидаги ёшга боғлиқ ўзгаришлар ва танадаги эстроген гормонлари даражасининг пасайиши туфайли регрессив ўзгаришларга учрайди деб фикирланади. Шу билан бирга, климатерик даврда гипофиз ва стероид гормонларининг мувоззанати ва гестаген гормонлари етишмовчилиги билан ички эндометриознинг фаоллашиши мумкинdir[7].

*Ишининг мақсади:* Ҳаёт даражаси, гормонал ҳолати ва қўлланиладиган даволаш усулларини баҳолаш асосида эндометриозли аёлларда чоратадбирларни такомиллаштириш.

*Тадқиқот материали ва текшириши усуллари:* Биринчи босқичда перименопауза даври клиник курсининг хусусиятларини ўрганиш учун эндометриоз ташхиси қўйилган 45-55 ёшлардаги 142 аёллар текширилди, улар гинекологга перименопауза даврининг гипоэстроген ҳолатига боғлиқ шикоятлар билан мурожат қилганлар.

Кейинги тадқиқотлар учун ушбу беморлар 2 грухга бўлинган: I грух 59 аёлдан иборат (эндометриоз бўйича операция қилинган), II грух 48 аёлдан иборат (эндометриоз бўйича операция қилинмаган). Назорат грухси: эндометриозсиз перименопаузал ёшдаги (n=35) соғлом аёлдан иборат эди (сурат №1).



Сурат №1. Тадқиқот материали

Асосий гинекологик касаллик анамнезини ўрганилаётганда эндометриоз ва гипоэстрогеник ҳолатларнинг давомийлигини, асосий белгилари ва уларнинг пайдо бўлиш муддатини, аввалги даволанишини, касаллик пайтида ҳайз кўриш хусусиятини, репродуктив функцияларнинг хусусиятларини ва соматик касалликларнинг мавжудлигини ҳисобга олинди.

Акушерлик ва гинекологик анамнезни таҳлил қилишда менархнинг ёши (ҳайз даврининг мунтазамлиги, ҳайз кўришнинг оғриғи, эстроген етишмовчилигининг дастлабки белгилари), жинсий фаолликнинг бошланиши, бепуштлик, ҳомиладорлик сони, болалар сони, туғруқнинг асоратлари, ишлатилган контрацепция тури ва унинг давомийлиги, ҳомиладорлик муддати даволаш усувлари, экстрагенитал касалликлар (ЭГК).

Тадқиқотга киритиш меъзонлари:

1. Перименопауза даври 45-55 ёшлари
2. Эндометриоз билан касаллангалиги
3. Эндометриоз сабабли жарроҳлик утказилганлиги
4. Климактерик синдромнинг намоёнлиги
5. Тадқиқотда эштирок этиш хошиши

Тадқиқотдан чиқариш меъзонлари

1. Перименопауза даври 55 юқори ёшдаги аёллар
2. Эндометриоз билан касалланмаган
3. Даволаш чора-тадбирларга қарши курсатмалари бор бўлган аёлла
4. Тадқиқотда эштирок этиш хошиши ёк аёллар

*Шахсий тадқиқотлар натижалари:* I ва II гуруҳдаги беморларда гормонал гомеостаз кўрсаткичлари ФСГ ва ЛГ даражаларининг назорат гурухига нисбатан анча пастлиги билан ажralиб турарди. Шу билан бирга I гуруҳдаги беморларнинг 57.41% ва II гуруҳ беморларининг 60.74% да ЛГ даражаси ва ЛГ/ФСГ нисбати  $>1$  натижада ўсиши кузатилди. Бундан ташқари, I ва II гуруҳ беморларида қон зардобида эстрадиол миқдори назорат гурухидаги аёллар билан таққослаганда юқори бўлганлиги аниқланди.

Климактерик синдром ва эндометриоз билан касалланган аёлларда гормонал гомеостазнинг кўрсаткичлари гонадотропик гормонларнинг даражаси, жинсий аъзолар патологияси бўлмаган аёлларга нисбатан анча паст бўлганлиги билан ажralиб турарди. Шу билан бирга, менопауза I гуруҳдаги беморларнинг 46,9 фоизида, II гуруҳдагиларнинг 31,9 фоизда ва III гуруҳда жойлашган аёлларнинг 25,3 фоизда қайд этилган. Эндометриоз фонида климактерик синдромга чалинган аёлларда I гуруҳда 57,4%, II гуруҳда 60,7% ФСГ билан таққослаганда, ЛГ асосан ўсиш кузатилди ва шунинг учун бу кўрсаткич бирдан юқори натижани кўрсатди ( $\text{ЛГ}/\text{ФСГ} > 1$ ). Назорат гурухидаги барча беморларда ФСГнинг ЛГ ва ЛГ/ФСГга нисбатан устунлиги кузатилган бўлса, I ва II гуруҳ аёлларида периферик қон зардобидаги эстрадиолнинг ўртача даражаси назорат гурухига нисбатан 2 баравар юқори, яъни уларга нисбатан гиперэстрогенемия бўлган. Анъанавий гормонал терапияга қарши кўрсатмаларга эга бўлган беморларда эндометриозни даволаш учун Индинол терапиясини танладик, ва ушбу терапияга антипролифератив таъсир кўрсатиб,

кунига 2 марта 3-6 ой давомида 2 та капсуладан фойдаландик, бу аёлларнинг репродуктив органлари ва тўқималарида патологик гиперпластик жараёнларнинг универсал тузатувчиси. тизимлар. Эндометриоз билан касалланган аёллар танасида эстроген мувозанатини нормаллаштиради. I гурӯҳда эндометриоз учун операция қилинган 51 (86%) беморда такрорий эндометриознинг клиник белгилари (диспаруния, дименорея, дишезия) кузатилган. Перименопаузал даврдаги ушбу аёллар гурӯҳи учун алтернатив гормонал терапия сифатида 3-6 ой давомида кунига 2 марта фитопрепарат "Индинол"ни тавсия қилди.

Перименопаузал даврда эндометриоз тасдиқланган II-н-48 гурӯҳи (85%) (операция қилинмаган) bemorlariga 3-6 oй давомида kuniiga 1 tabletkadan "Визанна" препарати билан патогенетик гестаген терапияси буюрилди. Диеногест 2 мг узоқ муддатли самарадорлик профилактикаси ва гистеректомияга мақбул алтернативага эга яхши муҳосаба қилинган дори сифатида қаралади. Овуляция ва эстрадиолни ушлаб туришни қисман бостириш учун терапиянинг самарадорлиги, чидамлилиги ва хавфсизлиги ўртасида 20-60 пг/мл оралиғида оптималь мувозанат ҳисобланади (1-жадвал).

#### 1-жадвал

##### 3 ойдан сўнг эндометриознинг рецидивга қарши терапиясининг самарадорлигини қиёсий баҳолаш

№	Аломатлар	II гурӯҳ Визанна № 48		3 ой		I гурӯҳ Индинол №59		3 ой	
		№	%	№	%	№	%	№	%
1.	Диспареуния	38	79%	26	38,5%	48	81%	32	66,6%
2.	Дисменорея	41	85%	19	46,4%	21	35%	15	21,3%
3.	Дишезия	36	75%	20	45,6%	51	86%	31	60%

Эндометриознинг рецидивга қарши терапиясининг самарадорлигини таҳлил қилиш, 3 ойдан сўнг эндометриознинг клиник аломатлари билан боғлиқ ҳолда "Индинол" патогенетик терапиясининг "Визанна" препарати билан қиёсий самарадорлигини кўрсатди: даволашдан олдин 79% I гурӯҳдаги bemorlarда диспаруния 3 ойлик терапиядан сўнг 38,5%га, дисменорея 85% дан 46,4% гача камайди, ва дишезия ўз навбатида 75% дан 45,6% гача камайди.

"Индинол" препарати билан даволаш II гурӯҳдаги bemorlarда самарадорлигини кўрсатди, 81% диспареуния бор эди, 3 ойлик даволашдан кейин 66,6%, дисменорея 35 %, дишезия билан боғлиқ ҳолда семптомлари 86%- 60% гача камайди (2-жадвал).

**6-12 ойдан сўнг эндометриознинг рецидивга қарши терапиясининг  
самарадорлигини қиёсий баҳолаш**

№	Аломатлари	II гурух Визанна № 48		6 ой		12 ой		I гурух Индинол №59		6 ой		12 ой	
		№	%	№	%	№	%	№	%	№	%	№	%
1.	Диспареуния	26	38,5%	18	27,5%	7	14,5%	32	54%	20	3,3%	8	13,1%
2.	Дисменорея	19	46,4%	12	25%	4	8,3%	15	25,4%	11	18,6%	4	6,7%
3.	Дихезия	20	45,6%	15	31,25%	9	18,8%	31	52,5%	24	41%	11	19%

6 ойдан сўнг, эндометриознинг рецидивга қарши терапиясининг самарадорлигини таҳлил қилишда эндометриознинг клиник аломатлари билан боғлиқ ҳолда "Индинол" патогенетик терапиясининг "Визанна" препарати билан қиёсий самарадорлиги кўрсатилди: даволашдан олдин I гуруҳдаги 38,5% диспареуния 3 ойлик терапиядан сўнг 27,5%, дисменорея 46,4%дан 25% гача, дихезия 45,6%дан 31,25% гача камайди.

6 ойдан сўнг "Индинол" препарати билан даволаш самарадорлигини кўрсатди, II гуруҳдаги беморларда 66,6% диспареуния бор беморларда терапиядан сўнг 33,6% гача камайди, дисменорея 21,3% дан, симптомларнинг пасайиши динамикаси 18,6% гача, дихезияга келсак, симптомларнинг намоён бўлиши 52,5% дан 41% гача камайди.

**Хулоса:** Гормонал булмаган фитогормон, эндометриоз билан касалланган аёлларда перименопауза даврида, актив эндометриоз формасини даволашда индол-3 карбинол препарати патогенетик терапияси диеногест билан киесий самарадорлигини курсатди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Адамян Л.В. Высокие технологии в диагностике и лечении патологии репродуктивной системы // Современные технологии в диагностике и лечении гинекологических заболеваний. — 2017. — С.20-32.
2. Айламазян Э.К. Гинекология от пубертата до постменопаузы: Практ. руководство для врачей // М.: МЕДпресс-информ, 2014. — С. 212 - 235.
3. Айламазян Э.К., Потин В.В., Тарасова М.А. и др. Генитальный эндометриоз. Гинекология от пубертата до постменопаузы. // М: МЕДпресс-информ. - 2007. - С.284-302.
4. L.M.Abdullayeva, A.T.Akhmedova., Forecasting reproductive function disorders in women post-abortion endometritis, Volume-2019  
Махмудова С.Э., Ахмедова А.Т. Состояние здоровья женщин, применяющих эстроген-гестагенные контрацептивы //Евразийский союз ученых.-2015.-№.5-5(14).